


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РЕСПУБЛИКАДА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ
АЛМАШЛАБ ЭКИШ БЎЙИЧА
ТАВСИЯЛАР**



ТОШКЕНТ - 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РЕСПУБЛИКАДА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ЭКИНЛАРИНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ
БЎЙИЧА

ТАВСИЯЛАР

ТОШКЕНТ – 2006

631.5
P-43

Мазкур қўлланма ЎзПITI “Алмашлаб экиш ва ёўза вилтига қарши кураш” бўлими бошлиғи қ.х.ф.н., катта илмий ходим Б.Ҳалиқов ва қишлоқ хўжалик фанлари доктори Р.Ш.Тиллаевлар томонидан тайёрланди.


Ушбу қўлланма Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти илмий кенгашида маъқуланган ва чоп этишга тавсия этилган (12-сонли кенгаш баёни, 03.10.2006 й.)

Қўлланма қишлоқ хўжалиғи раҳбарлари, мутахассислар, деҳқончилик билан шуғуллауvcчи фермерлар, оилавий пудратчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги олий ва ўрта таълим ўқув юртларининг ўқитувчилари ва талабаларига фойдаланиш учун мўлжалланган.

Тақризчи: қ.х.ф.д. Назиржон Ўразматов

© ЎзПITI, 2006

Хизматда фойдаланиш учун



КИРИШ

Қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри алмашлаб экиш илмий асосланган деҳқончилик юритишнинг асосий шартларидандир.

Дунё олимларининг яқдил фикрича, алмашлаб экишнинг энг асосий моҳияти биринчи навбатда инсон эҳтиёжларини қондириш бўлса, иккинчидан тупроқ унумдорлигини сақлаш, бегона ўтлар, қишлоқ хўжалиги заракунандалари, касалликларига қарши курашдан иборат.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, нисбатан кичик ер майдонларига эга бўлган фермер, хўжаликларида аввалги 8-10-12 далали алмашлаб экиш тизимлари ҳамда 700-800 гектарлик алмашлаб экиш массивлари ўз мавқеини тўлиқ йўқотди.

Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, шуни унутмаслик лозимки, ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалиги экинларини илмий, амалий асослар бўйича алмашлаб экиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ўз вақтида касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши курашиш ер эгалари учун албатта бажарилиши шарт бўлган агрономик қонундир.

Экинларни илмий асосланган алмашлаб экишда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

1. Ишлаб чиқариш ёки эҳтиёж учун зарур экин турини танлаш ва иқтисодий самара олишни кўзлаш;

2. Экин турини танлашда ер, сув, меҳнат ресурслари ва техникадан самарали фойдаланишни инобатга олиш.

3. Ернинг ҳолати, мелиорация, эрозия жараёнлари, ер ости сувларининг жойлашиш сатҳи, тупроқ тури, механик таркиби, унумдорлиги, ўтмишдош экин, касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлар тарқалганлиги, сув билан таъминланганлиги ва бошқа омилларни инобатга олиш;

4. Агротехника қондаси жиҳатидан қатор оралиғи ишлов берилмайдиган экинлардан сўнг қатор оралиғига ишлов бериладиган дуккакли экинлар, улардан кейин дуккакли бўлмаган, тупроқдан кўп озига олиб чиқиб кетувчи интенсив экин турлари, сўнгра пасив экин турлари билан навбатлаш, шунингдек биологик бир турга мансуб бўлган экин турларини кетма-кет навбатламаслик;

5. Етиштирилган маҳсулотни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш

ёки сотиш ва бошқа омилларни инобатга олиш;

Республикамизда пахтачилик мажмуасига бошоқли дон экинларини кенг миқёсида киритилиши, баъзи туман хўжаликларида бошоқли-дон экинлар салмоғини ўта юқори бўлиши, бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан:

-тупроқ унумдорлигини ҳозирги ҳолатда сақлашни мураккаблиги, тупроқга қайтарилиш қонунини муттасил бузилиши, қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона навбатлаш имконини чекланиши натижасида уларни оптимал жойлаштириш имкониятини йўқлиги;

-ғўза майдонларини қисқариши ҳисобига олинадиган даромадни камайтиши;

-ғалла етиштиришда, ғўзага нисбатан кам меҳнат талаб этилиши оқибатида аҳолини меҳнат билан бандлик даражасини камайтиши;

-шўрланган ҳудудларда тупроқ шўри ювилмай, ғўза қатор орасига ғалла экилиши оқибатида шўрланишни ортиши;

-кўп йиллик бегона ўтлар ва зараркунандалар кўп тарқалган ҳудудларда бегона ўтлар сони ва турларини кескин кўпайиши.

Республиканинг асосий суғориладиган ерларидаги ҳозирги ҳолатни, яъни тупроқ унумдорлигини пасайиб бориши, шўрланган майдонлар салмоғи ва шўрланиш даражасини ортиши, чорвачилик учун сифатли озуқалар етишмаслиги, асосий экин бўлган ғўза, ғалла ва бошқа, айниқса такрорий экинларни сурункали белгиланган ўғитлар меъёри ва нисбатида озиқлантирилмаслиги, агротехник тадбирларни ҳар хил сабабларга кўра сифатли ва ўз вақтида ўтказилмаслиги ва бошқаларни инобатга олган ҳолда ғўза: ғалла: беда, сабзавот, ем-хашак ва бошқа асосий зироатлар етиштирувчи мамлакатимиз деҳқончилиги тизимида бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида асосий экинлар нисбатини эндиликда республика бўйича 40 (ғўза) : 40 (ғалла) : 20 (беда, дуккакли-дон, ем-хашак, сабзавот ва б.қ.) фоиз қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Бунда тупроқ-иқлим шароити, сув, ишчи ресурслари ва иқтисодий манфаатдорликка қараб пахта, ғалла салмоғи бир-бирини ҳисобига ўзгариб, пахта ёки ғалла салмоғи 50-55 фоизгача, беда, дуккакли-дон ва бошқа экинлар салмоғи 15-25 фоизгача бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат буюртмаси (пахта, ғалла)

белгиланган ерларда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига экин майдонини 10-15 фоизга қисқартиришга рухсат этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу майдонларда тупроқ мелиоратив ҳолатини ва унумдорлигини яхшилашга ажратилиши бу борадаги муаммоларни тезроқ ва самарали ҳал этишга хизмат этади.

Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, режалаштирилган ҳосилдорликни сурункали олиш мақсадида фермер ҳўжаликларида етиштириладиган асосий экин тури маҳсулотига қараб ихтисослаштирилган алмашлаб экишни массив ҳолатида жорий этиш талаб этилади.

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ САҚЛАШ ВА ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш учун қуйидагиларга доимо риоя этиш зарур:

1. Ерларни мелиоратив ҳолати ва суғориш тизимини яхшилаш ва сув, шамол эрозиясига қарши курашиш;

2. Экинларни жойлаштиришдаги салмоғи, уларнинг турлари нисбати ва оқилона навбатлашни доимий мувофиқлаштириб бориш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни асосан биологик усул, яъни алмашлаб экиш негизида асосий ва такрорий дуккакли-дон, оралиқ экинлар экиш орқали ташкил этиш;

3. Минтақавий ер ҳайдаш технологиясига тўлиқ риоя этиш.

4. Тавсия этилган минтақавий ўғитлаш технологиясини тўлиқ амалга оширишга эришиш, органик ўғитлар йиғиш, компост тайёрлаш ва уларни муттасил далага чиқариш тизимини йўлга қўйиш. Ҳайдов остига, асосий ҳамда такрорий экинларга тавсия этилган азотли, фосфорли, калийли ўғитлар миқдори ва нисбатини албатта ташкил этиш;

5. Экинлар структурасида беда, дуккакли-дон ва бошқа дуккаклилар салмоғини 15-20 фоиз, оралиқ экинлар салмоғини эса камида 10 фоиз бўлишига эришиш;

6. Бегона ўтлар, касаллик ва ҳашоратларга қарши системали курашишни ташкил этиш;

7. Тупроқ зичланишини олдини олиш учун оғир техникалар-

дан камроқ фойдаланиш, ерларни лой ҳолатида мутлақо ҳайдамаслик ёки агротехника тадбирларини ўтказмаслик.

АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Ѓўза Республикамизнинг қишлоқ хўжалиги мажмуасида доимо етакчи ўринни эгаллаб, беда, ғалла, дуккакли-дон, сабзавот, ем-хашак ва бошқа экинлар билан алмашлаб экилади. Уч йилги беданинг самараси ғўза учун асосан 3-4 йил бўлиб, кейинчалик тупроқ унумдорлигини ҳамда ҳосилни камайиб бориши кузатилади. Ѓўза, бошоқли дон, маккажўхори, жўхори, ем-хашак экинларидан сўнг икки йилдан ортиқ экилмаслиги лозим. Ҳозирда, Республикада тадбиқ этилаётган экинларни навбатлаш тизимига биноан ғўза юқоридаги экинлар билан ҳар йили алмаштирилиш имкониятига эга. Алмашлаб экиш мажмуасида ерёнғоқ, соя, мош, ловия, зигир, сабзавотлар, картошка ва бошқалар етиштириладиган бўлса, булардан сўнг 2 йилгача ғўза етиштирилиши яхши самара беради.

ПАХТАЧИЛИКДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Ѓўзадан сўнг алмашлаб экиш қуйидаги кўринишларга эга:

1. Ѓўзадан сўнг бошоқли дон экинларини экиш. Бунда ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олиш имконини берадиган юқори агротехника, тезпишар нав, илғор технологиялар (пуштага экиш плёнка, ўсиш, ривожланишни созловчи моддалар ва ҳ.к.) қўлланган майдонларда ҳосил йиғиб олингандан сўнг, тезликда далани ғўзапоялардан тозалаб, ўғитлар солиб, ер сифатли ҳайдаб пешма-пеш бошоқли дон экинларини экиш.

2. Ўсиб турган ғўза қатор орасига бошоқли дон экинларини экиш.

3. Ѓўзадан сўнг ерни шудгорлаб келгуси йилда сабзавот, ем-хашак ва бошқа экинлар экиш.

4. Ѓўзадан сўнг ерни шудгорлаб оралиқ экинлар экиш ва баҳорда уни ўриб олиб маккажўхорини дон учун экиш.

5. Ғўзадан сўнг ерни шудгорлаб оралиқ экинлар экиш ва уни баҳорда ўриб олиб, қатор ораси ишланадиган сабзавот, картошка ва бошқа экинлар экиш.

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИДАН СЎНГ АЛМАШЛАБ ЭКИШ

1. Ғалладан сўнг кузги беда экиш. Ер сифатли ҳайдалиб тупроқ-иқлим шароитига кўра август охири, сентябр ойи бошла-рида факат беда ёки ҳақиқий кузги нав бошоқли дон билан қўшиб беда экиш.

2. Ғалладан сўнг такрорий экинлар экиб, ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг, кузда шудгорлаб қайта ғалла экиш.

3. Ғалладан сўнг такрорий экинлар экиб, кузда шудгорлаб ғўза экишга қолдириш.

4. Такрорий дуккакли-дон экинларини экиб, сўнг оралиқ экинларини экиш, уни ем-хашакка ёки донга ўриб олиб, сўнг маккажўхори ёки оқжўхорини дон учун экиш.

5. Тезпишар такрорий экинлар экиб (мош, тариқ, маржумак) сўнг оралиқ экинлари экиш ва уни баҳорда ем-хашакка ёки донга ўриб олиб сўнгра сабзавотчиликда фойдаланиш ёхуд тезпишар техник экинлари экиш.

Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитларига кўра кузги ғалладан сўнг қуйидаги қишлоқ хўжалиги экинларини такро-рий экин сифатида етиштириш мумкин:

Техник экинлардан: ғўза (жанубий вилоятларда), қанд лав-лаги илдизмева ва уруглик учун;

Донли экинлардан: маккажўхори, оқжўхори, шоли, қўноқ.

Ёрма-дон экинлардан: тариқ, маржумак.

Дуккакли дон ва мойли экинлардан: мош, ловия, соя, ерё-нғоқ, кунгабоқар, кунжут, зигир.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларидан: карам, сабзи, помидор, пиёз, саримсоқ, аччиқ ва чучук қалампир, ҳар хил кўкатлар, шолғом, турп, ош лавлаги, бодринг, бақлажон, қовоқча, батат, кечки қовун, тарвуз, картошка ва б.қ.

Ем-хашак экинлардан: беда, маккажўхори, амарант, кўп

ўримли жўхори, судан ўти, тариқ, кунгабоқар, ва бошқалар.

Сидерат экинлардан: рапс, перко, хашаки нўхат, жавдар, тритикале ва бошқалар.

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ЛАЛМИКОРЛИҚДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Текис ва қирликдаги лалми ғалла экинлари асосан тоза шудгор ва қатор ораси ишланадиган экинлар билан навбатланади.

Бугдой учун лалмида энг яхши ўтмишдош тоза шудгор саналади. Тоза шудгорда нам йиғилиш хусусияти юқори бўлиб, самарали ҳосил олишга асос бўлади. Ёғингарчилик кўп бўлган йиллари қатор оралари ишланадиган махсар, кўк нўхат, кунгабоқар, полиз ва бошқа экинлар кўпроқ экилиши мумкин.

Намгарчилик етишмайдиган паст-текисликлар худудида тоза шудгордан сўнг икки йил ғалла экинлари экиш тавсия этилади;

-Намгарчилик билан ярим таъминланган паст-текисликлар худудида тоза шудгордан сўнг икки йил ғалла экинлари, кейин қатор оралари ишланадиган экинлар, сўнгга яна бир йил ғалла экинлари экиш мақсадга мувофиқдир;

-Тоғ олди намлик билан таъминланган худудларда тоза шудгордан сўнг икки йил ғалла, сўнг қатор оралари ишланадиган экинлар, сўнгга яна икки йил ғалла экинлари экиш лозим.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки, гўза ва ғалла экинларини алмашлаб экиш асослари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режа ва тавсиялар асосида олиб борилади.

БЕДАДАН СЎНГ АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Ўзбекистон шароитида беда ўсимлиги ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари учун энг қимматли ўтмишдош экин ҳисобланиб, пахтачилик мажмуасида уни ғалла, донли экинлар, эртаги сабзавотлар, картошка, ем-хашак экинлари йиғиштириб олинган-

дан сўнг, худуднинг тупроқ иқлим шароитига қараб август ойи ва сентябрнинг биринчи 5 кунлигигача экиш, яъни бедани далада 2,5 йил давомида ўсиб, ривожланишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тупроқнинг мелиоратив, фитосанитар, агробиологик хусусиятлари қониқарсиз бўлган ҳамда чорвачиликка ихтисослашган ерларда бедани бошоқли дон экинлари билан қўшиб экиш (арпа, жавдар, бугдой) ва бедани 3 йил ўстириш тавсия этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу агротадбирни қўллашда ғалладан камида 35-40 ц дон ҳосили олишни режалаштириб парваришлаш талаб этилади.

Кучли шўрланган ерларда албатта мелиоратив дала ажратиши шарт. Мелиоратив далада ярим йил давомида мелиоратив тадбирлар ўтказилиши, ярим йил ғалла-дон экинлари билан банд бўлиши керак. Сўнгра бу ерларни 3 йил мобайнида беда учун ажратиш яхши самара беради.

Бедадан сўнг навбатлаш асосан қуйидаги кўринишларга эга:

1. Бедапояни кузда шудгорлаш ва ғалла экиш (5-10 октябрь).
2. Бедани шудгорлаб, (15-20 октябрь) ғўза экишга қолдириш.
3. Бедани шудгорлаб баҳорда маккажўхори ва жўхорини донга ёки сабзавот ва бошқа экинлар экиш.

ДУККАКЛИ-ДОН ЭКИНЛАРДАН СЎНГ АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Дуккакли-дон экинларидан кейин ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари яхши самара беради. Ҳозирги даврда бедага эътиборни сусайганлиги, баъзи ҳолларда эса фермер хўжаликларида беда маҳсулотига эҳтиёж йўқлиги ёки шу худудда иқтисодий жиҳатдан самараси камлиги учун беда экилган майдонлар жуда озлигича қолмоқда. Бундай шароитда янги ташкил этилган ёки экин майдони оз бўлган фермер хўжаликларида бедани ўрнини қоплаш вазифасини бемалол дуккакли-дон экинлари бажариши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, дуккакли-дон экинлари соя, ловия, мошни эрта баҳорда ва ёз охирида яъни бир йилда икки марта экиш имкони мавжудлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Улар биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ях-

шилашга, икинчидан аҳолини қимматли, оқсилга бой маҳсулотлар билан ҳамда чорвачиликни қимматли ем-хашак билан таъминлашга хизмат қилади. Хитой, Хиндистон, Бразилия ва бошқа дунё тажрибаларига асослансак, фермер ва шахсий хўжаликларда алмашлаб ва навбатлаб экишнинг асосий муаммоларини ҳал этиш вазифаси дуккакли-дон экинлар зиммасига юкланган.

ШОЛИЧИЛИКДА ЭКИНЛАРНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Шоличилик учун гидроморф тупроқлар самарали ҳисобланаиб, алмашлаб ва навбатлаб экиш мажмуасида агромелиорация тадбирлари муҳим ўрин эгаллайди.

Беда, қизил йўнғичқа, берсим, соя, ловия, мош шолининг энг яхши ўтмишдошлари, кузги жавдар, рапс, қишлайдиган нўхат эса яхши оралиқ экинлар ҳисобланади. Шолини бир далада уч, уруғлик хўжаликларида эса икки йилдан ортиқ экиш тавсия этилмайди.

Уруғчилик хўжаликлари учун шоли — беда алмашлаб экишнинг етти далали тизими тавсия этилган бўлиб, бунда бир далада уч йилдан ортиқ шоли экилишига рухсат этилмайди.

Бу тизимда 1-нчи далага баҳорда беда билан ғалла экинлари уруғи билан қўшиб экилади ва дон учун ёки кўк ўт сифатида ўриб олиниши мумкин.

2-нчи дала иккинчи йилги беда, биринчи ўрими хашак учун, иккинчи ўрими уруғлик учун, 3-4 ўрими эса еи-хашак учун йиғштириб олинади.

3-4-нчи далалар шоли, 5-нчи дала банд шудгор.

6-7-нчи дала шоли бўлиб, бунда шоли умумий майдонининг 57,2 ем-хашак экинлар 26,8 ва банд шудгор 14,2 фоизини ташкил этади.

Банд шудгор даласи мелиоратив дала бўлиб, йилнинг биринчи ёки иккинчи ярмида оралиқ ғалла, сидерат, нўхат, соя, озуқабоп экинлар экилиши мумкин. Қолган даврда мелиорация ва ер текислаш ишлари амалга оширилади.

Товар шоли етиштирувчи хўжаликлар учун тўққиз далали шоли — беда алмашлаб экиш тизими тавсия этилади.

Бу тизимда:

1-нчи далага баҳорда беда билан ғалла аралаштириб экилади.

2-нчи дала иккинчи йилги беда, 3-4 ва 5-нчи далалар шоли, 6-дала банд шудгор, 7,8,9-нчи далаларга шоли экилади. Бунда шоли умумий майдоннинг 70, ем-хашак экинлар 20 ва банд шудгор 10 фоизни ташкил этади.

Шолини, айниқса кузги бошоқли дон экинларидан сўнг вилт билан зарарланган, шўрланган, мелиоратив жиҳатидан нобоп ерларда етиштириш тавсия этилади.

Мелиоратив далада йилнинг биринчи ярмида мелиоратив тадбирлар амалга оширилиб, иккинчи ярмида дон, сидерат, ғалла экинлари, нўхат, соя ва озуқабоп экинлар экиш мумкин. Ҳар ротация давомида бир марта мелиоратив далада капитал ер те-кислаш ишлари олиб борилиши талаб этилади.

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШДА ЭКИНЛАРНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Сабзавотчилик учун қадимдан суғориб келинган ерларни ҳамда янги ўзлаштирилган Мирзачўл, Шеробод, Қарши чўллари, Тошкент вилоятининг юқори худудининг бўз тупроқлари, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг бир қисм ерлари азалий полиз экинлари учун ўта қулайдир. Шоли ва бошқа экинларни бир массивда экилишига йул қўймаслик керак, акс ҳолда бошқа экинлар экилган ерларда сизоб суви кўтарилиб, тупроқлар шўрланиши мумкин. Шунинг учун шоли алоҳида массивларда, имкон қадар бошқа экинлар экиладиган ерлардан узоқроқда жойлаштирилиши зарур. Ушбу экин турларининг асосий ўтмишдоши беда ҳисобланиб, фақатгина айрим тоғ олди худудига жойлашган юқори унумдор, шунингдек, ҳар йили етарли миқдорда гўнг ёки компост чиқариш имкони бўлган хўжаликларда, беда ўрнига сабзавот ва қатор оралари ишлана-

диган бошқа экинлар билан алмашлаб экиш тизимини қабул қилиш мумкин. Шунингдек, беда ўрнига ғалла, дуккакли экинлар аралашмаси, ем-хашак, сидерат ёки силос учун дуккакли экинлар ҳам етиштирилиши мумкин:

Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда асосий экин турларини навбатлаш қуйидаги тартибда олиб борилади:

- қўп йиллик ем-хашак экинларидан сўнг сабзавот, картошка, полиз экинларини барча турлари;

- бир йиллик ем-хашак экинларидан сўнг полиз экинлари, бодринг, помидор, кечки картошка;

- сидерат экинларидан сўнг кечки қовун, тарвуз, картошка, карам;

- полиз экинларидан сўнг эртаги картошка, карам, эртаги помидор, чучук ва аччиқ қалампир, пиёз, бақлажон, ош лавлаги, лозим бўлса кечки картошка, карам;

- кечки карамдан сўнг-полиз экинлари, бодринг, чириган гўнг солиб картошка, бақлажон, чучук ёки аччиқ қалампир;

- кечки бодрингдан сўнг-помидор, картошка, чучук ёки аччиқ қалампир, бақлажон, илдиз мевалилар;

- помидордан сўнг бодринг, карам, илдиз мевалилар, пиёз;

- илдиз мевалилардан сўнг-картошка, қовун, помидор, бодринг;

- шолидан сўнг — полиз экинлари ва бодринг;

Сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш учун қуйидагича навбатлаш тавсия этилади:

- эртаги картошкадан сўнг - карам, лавлаги, бодринг, маккажўхори, мош;

- ўртапишар картошкадан сўнг - шолғом, турп, август ойида пиёз;

- редискадан сўнг - полиз экинлари, помидор, бодринг, қовоқча (кабачки), патиссон, картошка;

- эртаги сабзидан сўнг - картошка, карам, бодринг, турп, шолғом, помидор;

- эртаги илдиз мевали экинлардан сўнг - сабзи, ош лавлаги, бодринг, мош, маккажўхори, карам;

- эртаги карамдан сўнг - картошка, сабзи, лавлаги, бодринг, мош, маккажўхори, помидор, илдиз мевалилар, август ойида эса пиёз;

-эртаги бодрингдан сўнг - август ойида экиладиган пиёз, сабзи, шолғом, турп, силос учун маккажўхори, уруғлик учун эртаги картошка экиш;

-кечки картошка экишга қадар - далада кўкат, ош кўк экинлари, эртаги карам, ғалла ва бошқаларни етиштириш;

-кечки карамга қадар - эртаги илдиз мевалилар, эртаги картошка, редиска ва ош кўк экинлари;

-кечки сабзига қадар - эртаги картошка, карам етиштириш;

-кечки полиз экинларига қадар - оралиқ экинлари экиш;

-ғалла экинларидан сўнг - кечки картошка, полиз экинлари, бодринг, карам етиштириш.


Картошкани шўрланмаган бўз, ўтлоқи тупроқларда етиштириш лозим. Дон учун экилган маккажўхори ва кунгабоқар картошканинг ёмон ўтмишдоши ҳисобланади. Шунингдек, картошкани помидор, чучук қалампир, бақлажон ўрнига экишга рухсат этилмайди. Чунки бу экинлар бир хил касаллик ва зараркунандалар билан зарарланади.

Сабзавотчиликда бир хил ботаник оилага мансуб экинларни кетма-кет навбатлашга йўл қўймаслик керак. Сариқ печак босган далаларда сабзавот, полиз, картошка экинлари етиштириш яхши самара бермайди. Унга қарши агротехник, кимёвий воситалардан фойдаланиш керак.

КАНОП ЕТИШТИРИШДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Каноп ўсимлиги учун ғўза, ғалла, дон, беда, ем-хашак, дуккакли-дон, сабзавот, картошка экинлари яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Канопчилик хўжаликларида беда асосан кузги бошоқли дон экинлари йиғиб-териб олингандан сўнг август-сентябрда экилиб, 2,5 йил давомида ўстирилиши лозим. Каноп экини экилган майдонга 4-5 йилдан кейин яна каноп экилиши яхши самара беради. Шунингдек, кучли вилт билан зарарланган майдонларда канопни ғўза билан ҳар 2-3 йилда навбатланиши яхши самара беради.



ТАМАКИ ЕТИШТИРИШДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Тамаки учун қанд лавлаги, бир йиллик дуккакли ва ғалла, ем-хашак экинлари, маккажўхори, беда энг яхши ўтмишдошдир. Тамакини бедадан сўнг 3 йилгача, ғалла, дон экинлари дуккаклилардан сўнг 1-2 йил давомида етиштириш мумкин.

Кунгабоқар, полиз экинларидан сўнг тамаки етиштириш тавсия этилмайди.

ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Ем-хашак экинлари асосан пахтачилик мажмуасидаги, шунингдек бошқа ихтисослашган йўналишлардаги асосий экинлар билан навбатланади. Ихтисослаштирилган чорвачилик хўжаликларида ғалла экинлари, дон учун маккажўхори, беда ва бошқа бир йиллик ем-хашак экинлари билан навбатлаш мақсадга мувофиқдир. Ғалла экинларидан сўнг силос ёки кўк ем учун маккажўхори экиш, кейинги йил эса шу далани дон учун маккажўхорига ажратиб, сўнгра оралиқ экинлари экиш мақбул ҳисобланади. Келгусида ғалла экинлари ёки хашаки лавлаги билан навбатлаб, август ойида тоза беда ёки ғалла аралашмаси экиб, уни икки ярим йил давомида етиштирилади. Ем-хашак етиштиришда навбатлаш асосан ғўза, ғалла, дон ва бошқа экинлар шу тартибда яна такрорланаверади.

Чорвачилик йўналишидаги хўжаликларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда самарали натижалар олиш учун энг асосий шартлардан бири, алмашлаб экишда бир хил ботаник ёки яқин тур экинини кетма-кет экмасликдир.

Ем-хашак экинларини мақбул 3-5 хил аралашмалари (рапс, мойли турп, соя, вика, хашаки нўхат ва бошқалар) билан қўшиб экиш маҳсулот миқдори ва сифатини яхшилайдди. Айниқса бу усулни фермер хўжаликларида кенг қўллаш юқори иқтисодий самара беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, соя, ловия, мош эки-

нини дон ва ем-хашак учун навбатлаш тизимига киритилиши жуда муҳимдир. Бу тупроқ унумдорлигини яхшилаш билан бир-га чорвачиликни қимматли оқсилга бой ем-хашаклар билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш, ўз муддатида йиғиб-териб олиш, ўғит сув, техника ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш учун навбатлашни имкони борича тўлиқ дала контурлари бўйича амалга оширилиши тавсия этилади.

Бир контурда бир неча тур, яъни ҳар хил агротехника ва парваришлаш талаб этадиган экинларни жойлаштириш тавсия этилмайди.

Ушбу тавсия-кўрсатмалар фермер ва бошқа барча деҳқончилик билан шуғулланадиган хўжаликлар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асосий тамойил бўлиб хизмат қилади.

1000 —

Хизматда фойдаланиш учун

Босмахонага топширилди: 26.04.2010 й. Босишга рухсат этилди: 26.04.2010 й.
Бичими 60x84_{1/16} Офсет қоғозига офсет усулида босилди.
Ҳажми 1,0 б.т. Алади 700 дона. Буюртма №62. Баҳоси келишилган нархда.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент ш., Учтепа тумани, 21-мавзе, Фарҳод, 1"А".